

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САДИКОВА АРОФАТ МУХИДДИН КИЗИ

**ЮВЕНИЛ РЕВМАТОИД АРТРИТНИ КЛИНИК, ДИАГНОСТИК ВА
ПРОГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Садикова Арофат Мухиддин кизи

Ювенил ревматоид артритни клиник, диагностик ва прогностик мезонлари.....

3

Садикова Арофат Мухиддин кизи

Клинико-диагностические и прогностические критерии ювенильного ревматоидного артрита.....

23

Sadikova Arofat Mukhiddin qizi

Clinical, diagnostic and prognostic criteria of juvenile rheumatoid arthritis.....

43

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

50

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САДИКОВА АРОФАТ МУХИДДИН КИЗИ

**ЮВЕНИЛ РЕВМАТОИД АРТРИТНИ КЛИНИК, ДИАГНОСТИК ВА
ПРОГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib2740 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва “ЗиёНет” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар

Рузбакиева Малика Руслановна
тиббиёт фанлари доктори

Ашурова Дилфуза Ташпулатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Исмаилова Гули Аманджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил “” _____ соат даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс: 99871-207-08-30, e-mail: immunology@academy.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс: 99871-207-08-30).

Диссертация автореферати 2025 йил “” _____ юборилган.
(№ _____ “ ” _____ 2025 й. рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М. Хатамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
Илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А. Исмоилова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ювенил ревматоид артрити болалар ҳаёт сифати пасайиши, юқори даражадаги ногиронлик, жамият ва оилага сезиларли ижтимоий-иқтисодий зарар келтирадиган касалликлардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «...ювенил ревматоид артритининг турли мамлакатларда тарқалганлиги 14 ёшгача бўлганларда 100000 болага 45,8 ҳолатда, бирламчи касалланиш эса 100000 болага 12,6 ҳолатда учрамоқда»¹. Болалар ревматологик касалликлар ичида ювенил ревматоид артрити олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Болаларда ювенил ревматоид артрити учраш даражасининг юқорилиги, патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида, болалар соматик касалликлари, жумладан ювенил ревматоид артритларни клиник кўринишларини замонавий ташхислаш, прогнозлаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аҳоли орасида ювенил ревматоид артритларни барвақт ташхислаш, учраш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш, беморлар биокимёвий ва иммунологик ҳолати ўзгаришларини аниқлаш, болаларда ювенил ревматоид артрит шакли ва кечиши вариантга боғлиқ гормонал ҳолат хусусиятларини аниқлаш, касалликка ирсий мойиллигини аниқлаш, молекуляр-генетик маркерларини аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда болалик давридаги патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, ювенил ревматоид артритни клиник, диагностик ва прогностик мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан болаларда учрайдиган ревматологик касалликларни олдини олиш, эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, болаларда ювенил ревматоид артрит касаллигини барвақт аниқлаш, прогнозлаш ва касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

¹ WHO. World health statistics, 2019. <http://www.globalrevmoarthritisreport.org/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиётстратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болалар ва ўсмирларда ЮРАнинг турли жиҳатлари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, касалликнинг этиологияси, патогенези, шунингдек, даволаш масалалари тадқиқотчи ва амалиётчи шифокорлар диққат-эътиборидаги мавзу бўлиб қолмоқда. Ювенил ревматоид артрит (ЮРА) кўплаб тадқиқотлар мавзуси ҳисобланади, аммо ҳозирги кунгача унинг патогенезини тушунишда, айниқса иммуногенетик жиҳатлар контекстида сезиларли бўшлиқлар мавжуд. Аутоиммун касалликлардаги яллиғланиш жараёнлари генетик омилларнинг мураккаб ўзаро таъсири билан боғлиқ бўлиб, улар орасида ИЛ-17А гени (rs2275913) ва D витамини рецепторининг гени (VDR rs1544410) муҳим рол ўйнайди (McDonald S, Reed R, Baricevic—Jones I 2019, J, Li J, Yao X, et al.2020, Kumar R, Piantoni S, Boldini M, Garrafa E, Bazzani C, Fredi M, et al.2021).

Илгари ўтказилган тадқиқотлар VDR гени полиморфизмларининг бронхиал астма, целиакия ва инсулинга боғлиқ қандли диабет каби аутоиммун касалликлар билан боғлиқлигини аниқлади. Шунга қарамай, ушбу генетик ўзгаришларнинг ЮРА билан оғриган беморларда яллиғланиш ва аутоиммун бузилишлар механизмларига таъсири тўғридан-тўғри далиллар чекланганлигича қолмоқда. Яллиғланишга хос цитокинни кодловчи ИЛ-17А гени яллиғланиш реакцияларини бошлаш ва қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнайди, аммо унинг ЮРА клиник оқимига таъсири янада ўрганишни талаб қилади (Макаров С. Ю. 2017, Ли́ла АМ, Олюнин ЮА, Гордеев АВ. 2020, Насонов ЕЛ, Авдеева АС, Ли́ла АМ. 2020).

Ўзбекистонда ЮРА ривожланишида генетик омилларнинг ролини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ҳам олиб борилмоқда, бу минтақанинг этник ва географик хусусиятлари нуктаи назаридан айниқса муҳимдир (Амирджанова

ВН, Каратеев АЕ, Погожева ЕЮ. 2018, Фейсханова Л. И., Ибрагимова Л. Г., Тютюгина Ю. В.2020).

Мавжуд маълумотларга қарамай, илгари ўтказилган тадқиқотлар генетик маркерларнинг ЮРА патогенезига таъсирини янада ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда, бу эса ушбу касалликни прогноزلаш, ташхис қўйиш ва индивидуал даволашга илмий асосланган ёндашувларни яратиш имконини беради. Шундай қилиб, ЮРАнинг клиник-диагностик, иммунологик ва иммуногенетик жиҳатларини, шу жумладан популяция хусусиятларини ўрганиш комплекс ёндашув ва фанлараро ёндашувни талаб қиладиган долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларнинг диагностикаси, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш» (2022-2026 йй.) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ювенил ревматоид артритни клиник, диагностик ва прогностик мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ювенил ревматоид артритнинг клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш;

ювенил ревматоид артрит билан касалланган болаларда иммун жавоб медиаторлари ва D витамин миқдорини аниқлаш;

ювенил ревматоид артрит билан касалланган болаларда IL-17A rs2275913 ва VDR rs1544410 аллеллари ҳамда генотиплари учрашини аниқлаш;

citoкинлар ва D витамини миқдори билан IL-17A rs2275913-A/A ҳамда VDR rs1544410 генлари полиморфизм маркерлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

ювенил ревматоид артрит билан касалланган болаларда IL-17A rs2275913 ва VDR rs1544410 генотиплари хусусиятлари билан касаллик рецидивлари частотаси орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2023 йиллар давомида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси назоратида бўлган ювенил ревматоид артрит (ЮРА) ташхиси қўйилган 3-16 ёшдаги 106 нафар бемор ва 66 нафар амалий амалий соғлом болалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор ва соғлом болалар вена қони ва қон зардоби иммунологик, биокимёвий ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, иммунологик, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ювенил ревматоид артритнинг серонегатив шакли серопозитив шаклига нисбатан кўпроқ учраши ҳамда касалликнинг клиник кечиши, касаллар ёши ва citoкинлар миқдорлари ўртасида ўзаро ишончли боғлиқлик борлиги IL-8

ва IL-17A цитокинлари миқдорининг ортиши фонида IFN- γ миқдорининг камайиши аниқланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб болаларда ювенил ревматоид артрит ривожланиши билан IL-17A генининг rs2275913 G-197A полиморфизми ўртасида ишонарли боғлиқлиги сабабли G/A ва A/A генотиплари мавжудлиги IL-17A миқдорининг ортишига олиб келиши, айниқса A/A генотипли беморларда яллиғланиш жараёни G/A ва G/G генотипларига нисбатан кучайиши аниқланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб болаларда ювенил ревматоид артрит ривожланиши VDR rs1544410 гени полиморфик варианты учраши билан тўғри пропорционал боғлиқлиги йўқлиги, аммо A/A генотипи витамин D миқдорининг қондаги энг паст даражаси ва ASLO ва CRP нинг юқори кўрсаткичлари билан коррегирланганлиги сабабли унинг кучли яллиғланиш жавоби билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб болаларда ювенил ревматоид артрит рецидивлари ривожланишида IL-17A rs2275913 ва rs1544410 VDR BsmI c.IVS7 генетик маркерлари муҳим предикторлар эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ювенил ревматоид артрит касаллигида IL-8, IL-17A ва IFN- γ цитокинлари ҳамда D витамини миқдорларини аниқлаш асосланган;

ювенил ревматоид артрит касаллиги ривожланишида IL-17A rs2275913-A/A ҳамда VDR rs1544410 генлари полиморфизм маркерлари учраши ахамияти аниқланган;

ювенил ревматоид артрит рецидивлари ривожланишида IL-17A rs2275913 ва rs1544410 VDR BsmI c.IVS7 генетик маркерлари муҳим предикторлар эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган болалар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти ювенил ревматоид артритни клиник, диагностик ва прогностик мезонларини ишлаб чиқиш ювенил ревматоид артритнинг клиник кечиши IL-8 ва IL-17A цитокинлари миқдорининг ортиши фонида IFN- γ миқдорининг камайиши аниқланганлиги, касаллик ривожланиши билан IL-17A генининг rs2275913 G-197A полиморфизми ўртасида ишонарли боғлиқлиги сабабли G/A ва A/A генотиплари мавжудлиги IL-17A миқдорининг ортишига олиб келиши, айниқса A/A генотипли беморларда яллиғланиш жараёни G/A ва G/G генотипларига нисбатан кучайиши аниқланганлиги, VDR rs1544410 гени A/A генотипи витамин D миқдорининг қондаги энг паст даражаси ва ASLO ва CRP нинг юқори кўрсаткичлари билан боғлиқлиги исботланганлиги ва

рецидивлари ривожланишида IL-17A rs2275913 ва rs1544410 VDR BsmI c.IVS7 генетик маркерлари муҳим предикторлар эканлиги исботланганлиги ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ювенил ревматоид артрит касаллигида касаллар ёши ва цитокинлар миқдорлари ўртасида ўзаро ишончли боғлиқлик борлиги, серонегатив шакли серопозитив шаклига нисбатан кўпроқ учраши ва IL-8, IL-17A ва IFN- γ цитокинлари ҳамда D витамини миқдорларини аниқлаш асосланганлиги, касаллик ривожланишида IL-17A rs2275913-A/A ҳамда VDR rs1544410 генлари полиморфизм маркерлари учраши аҳамияти аниқланганлиги ва рецидивлари ривожланишида IL-17A rs2275913 ва rs1544410 VDR BsmI c.IVS7 генетик маркерлари муҳим предикторлар эканлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ювенил ревматоид артритни клиник, диагностик ва прогностик мезонларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор ювенил ревматоид артритнинг серонегатив шакли серопозитив шаклига нисбатан кўпроқ учраши ҳамда касалликнинг клиник кечиши, касаллар ёши ва цитокинлар миқдорлари ўртасида ўзаро ишончли боғлиқлик борлиги IL-8 ва IL-17A цитокинлари миқдорининг ортиши фонида IFN- γ миқдорининг камайиши аниқланганлиги бўйича «Ювенил ревматоид артритли болаларда клиник-иммунологик маркерларнинг прогностик аҳамияти» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил 23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 4.09.2024 йилдаги 131-И-сонли, Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 4.09.2024 йилдаги 131-И-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги №6-сонли маълумотномаси); *иккинчи илмий янгилиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иккинчи илмий янгилиги:* илмий натижаларнинг Самарқанд ва Наманган вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалий фаолиятларига жорий этилиши ювенил ревматоид артритли болаларда клиник-иммунологик маркерларини аниқлаш усулини қўллаш стационарда даволаниш кунларини камайтиришга ва даволашга ҳар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 500000 сумгача тежалишига асосланган. *Хулоса:* ювенил ревматоид артритнинг серонегатив шакли серопозитив шаклига нисбатан кўпроқ учраши ҳамда касалликнинг клиник кечиши, касаллар ёши ва цитокинлар миқдорлари ўртасида ўзаро ишончли боғлиқлик борлиги асосланган.

иккинчи илмий янгилиги: илк бор ўзбек миллатига мансуб болаларда ювенил ревматоид артрит ривожланиши билан IL-17A генининг rs2275913 G-197A полиморфизми ўртасида ишонарли боғлиқлиги сабабли G/A ва A/A генотиплари мавжудлиги IL-17A миқдорининг ортишига олиб келиши, айниқса A/A генотипли беморларда яллиғланиш жараёни G/A ва G/G генотипларига нисбатан кучайиши аниқланганлиги бўйича «Ювенил ревматоид артритли болаларда клиник-иммунологик маркерларнинг прогностик аҳамияти» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил 23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 4.09.2024 йилдаги 131-И-сонли, Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 4.09.2024 йилдаги 131-И-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги №6-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Самарқанд ва Наманган вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалий фаолиятларига жорий этилиши ювенил ревматоид артритли болаларда клиник-иммунологик маркерларини аниқлаш усулини қўллаш стационарда даволаниш кунларини камайтиришга ва даволашга ҳар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 500000 сумгача тежалишига асосланган. *Хулоса:* ўзбек миллатига мансуб болаларда ювенил ревматоид артрит ривожланиши билан IL-17A генининг rs2275913 G-197A полиморфизми ўртасида ишонарли боғлиқлиги сабабли G/A ва A/A генотиплари мавжудлиги IL-17A миқдори ва яллиғланиш жараёнига боғлиқлиги асосланган.

учинчи илмий янгилиги: илк бор ўзбек миллатига мансуб болаларда ювенил ревматоид артрит ривожланиши VDR rs1544410 гени полиморфик варианты учраши билан тўғри пропорционал боғлиқлиги йўқлиги, аммо A/A генотипи витамин D миқдорининг қондаги энг паст даражаси ва ASLO ва CRP нинг юқори кўрсаткичлари билан коррегирланганлиги сабабли унинг кучли яллиғланиш жавоби билан боғлиқлиги исботланганлиги бўйича «Ювенил ревматоид артритли болаларда клиник-иммунологик маркерларнинг прогностик аҳамияти» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил 23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 4.09.2024 йилдаги 131-И-сонли, Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 4.09.2024 йилдаги 131-И-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги №6-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини

оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Самарқанд ва Наманган вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалий фаолиятларига жорий этилиши ювенил ревматоид артритли болаларда клиник-иммунологик маркерларини аниқлаш усулини қўллаш стационарда даволаниш кунларини камайтиришга ва даволашга хар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 500000 сумгача тежалишига асосланган. *Хулоса*: ўзбек миллатига мансуб болаларда ювенил ревматоид артрит ривожланиши VDR rs1544410 гени полиморфик варианты учрашига боғлиқлиги йўқлиги, аммо A/A генотиби витамин D, ASLO ва CRP миқдорларига боғлиқлиги асосланган.

тўртинчи илмий янгилиги: илк бор ўзбек миллатига мансуб болаларда ювенил ревматоид артрит рецидивлари ривожланишида IL-17A rs2275913 ва rs1544410 VDR BsmI c.IVS7 генетик маркерлари муҳим предикторлар эканлиги исботланганлиги бўйича «Ювенил ревматоид артритли болаларда клиник-иммунологик маркерларнинг прогностик аҳамияти» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлимининг 2022-йил 23-декабрдаги 8н-м/1557-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 4.09.2024 йилдаги 131-И-сонли, Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 4.09.2024 йилдаги 131-И-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 25-сентябрдаги №6-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, ногиронлик даражасини пасайтиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Самарқанд ва Наманган вилоятлари болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалий фаолиятларига жорий этилиши ювенил ревматоид артритли болаларда клиник-иммунологик маркерларини аниқлаш усулини қўллаш стационарда даволаниш кунларини камайтиришга ва даволашга хар бир болага нисбатан сарфланган маблағнинг 500000 сумгача тежалишига асосланган. *Хулоса*: ўзбек миллатига мансуб болаларда ювенил ревматоид артрит рецидивлар ривожланиши предикторлари IL-17A rs2275913 ва rs1544410 VDR BsmI c.IVS7 генетик маркерлари эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАСИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«Кириш» бўлимида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, мақсад, вазифалар, объект ва предметлар аниқланган, тадқиқотнинг республика илмий ва технологик ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилик ва тадқиқот натижаларининг амалиётдаги қиймати ёритилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилингани, чоп этилган ишлар ҳақида маълумотлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ювенил ревматоид артрит муаммосининг замонавий ҳолати ва уни коррекция қилиш йўналишлари»** диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотларнинг батафсил шарҳи келтирилган ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланган. Шу бобда ЮРАнинг этиопатогенези, хавф омиллари, тарқалиш тезлиги ва диагностикаси, иммуногенетик жиҳатлари, шунингдек, замонавий терапия усуллари ҳақидаги замонавий қарашлар баён этилган ва ҳал этилмаган масалалар белгиланган.

Иккинчи бобида– **«Тадқиқотда фойдаланилган материаллар ва усуллар»** – тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган.

Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун 2021–2023 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси кардиоревматология булимида кўриқдан ўтказилган ва даволанган, ёшлари 3-16 ёш оралиғида бўлган 106 бола текширувдан ўтказилди. Тадқиқотда клиник, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик усуллар қўлланилди.

Барча беморларга тўлиқ клиник текширув ўтказилди, шу жумладан лаборатория ва инструментал текширувлар амалга оширилди. Солиштирма гуруҳ сифатида 20 нафар шартли соғлом шахслар текширилди ва 66 нафар шартли соғлом шахслар молекуляр-генетик таҳлиллар учун танлаб олинди.

Диагноз ревматик касалликларнинг диагностикаси ва терапияси бўйича халқаро консенсусга (МКБ-10) мувофиқ клиник-функционал маълумотлар асосида қўйилди. Диагнозлар анамнез, клиник, лаборатория (ОАК, ОАМ, БХ, СРБ, РФ, АСЛО) ва инструментал (рентгенография, эхокардиография, УЗИ) усуллар ёрдамида верификация қилинди. Алоҳида эътибор патологик жараённинг давомийлиги, ўтган ва ҳамроҳлик қилувчи касалликларга қаратилди.

Иммун ҳолатни баҳолашда цитокинлар (IL-8, IL-17A, IFN γ) ва СРБ кўрсаткичлари ўрганилди. IL-8, IL-17A ва IFN γ даражасини аниқлаш учун уч босқичли «сэндвич» – ИФА усулининг тури қўлланилди.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар ЮРА билан хаста бўлган 93 болада IL-17A ва VDR генларининг полиморфизмларини аниқлаш учун ўтказилди.

Олинган маълумотлар Фишер-Стьюдентнинг вариацион статистика усули ва Пирсоннинг χ^2 мезони асосида статистик таҳлил қилинди. Тадқиқ этилган полиморфизмларнинг генотиплари Харди-Вайнберг мувозанатига мувофиқлиги Фишернинг аниқ тестидан (Вейр, 1995) фойдаланган ҳолда текширилди.

Учинчи бобда – **«Ювенил ревматоид артритнинг клиник кечиш хусусиятлари»** – ювенил ревматоид артрит билан хаста бўлган болаларни текшириш натижалари келтирилган.

ЮРА билан болаларнинг ёш гуруҳлари таҳлилида қуйидаги натижалар олинди: 3-7 ёшдаги болалар 12,3% (n=13) ни, 7-14 ёшдаги болалар 55,7% (n=59) ни, 14 ёш ва ундан катта болалар эса 32,1% (n=34) ни ташкил қилди.

Гендер таҳлилида болаларнинг 51,9% ўғил болалар, 48,1% қиз болалардан иборат бўлиб, ўғил болалар нисбатан кўпроқ экани аниқланди.

Ювенил ревматоид артрит (ЮРА) клиник симптомларини таҳлил қилиш натижасида ёшга оид жиддий фарқлар аниқланди. 3–6 ёшли болаларда кўпроқ бўғимларда ҳаракат чекланиши ва шишлар кузатилган бўлса, ўсмирларда бўғимлардаги оғриқлар, умумий ҳолсизлик ва тахикардия устунлик қилди. Иштаҳа пасайишининг тез-тез учраш ҳолати барча ёш гуруҳларида юқори бўлиб, 7–13 ёшли болаларда 71,2% га етди. Оёқ бўғимларидаги оғриқлар энг кўп тарқалган симптом бўлиб, 91,2% ўсмирларда учраган ва кичик ёшдаги болаларга нисбатан 1,32 марта кўпроқ кузатилган. Тутиб қолиш синдроми кам учрайдиган белгилардан бўлиб, ўрта ёшдаги болаларнинг 1,69% да ва ўсмирларнинг 2,94% да қайд этилди.

Ювенил ревматоид артрит билан хасталанган болаларда ҳамроҳ касалликларни таҳлил қилиш натижасида ёшга хос аниқ фарқлар аниқланди. Дисметаболик нефропатия 3–6 ёшли болаларда кўпроқ (7,69%) қайд этилган бўлиб, ёш катталашган сари унинг тез-тез учраш ҳолати пасайган. Камқонлик энг кўп кичик ёшдаги болаларда (100%) кузатилган, бироқ ёш ўсиши билан унинг учраш ҳолати камайиб, 7–13 ёшли болаларда 62,7% ва ўсмирларда 52,9% ни ташкил этган. Офтальмологик патология эса ёш ортган сари кўпайиб, ўсмирларда 17,6% га етган, бу кичик ёшли болаларга нисбатан 2,29 марта кўпдир. Барча ёш гуруҳларида энг кўп учрайдиган касалликлар ЛОР-органлар хасталиклари бўлиб, улар 7–13 ёшли болаларда 89,8% га етган. Юрак-қон томир тизими касалликлари ёш ортган сари кўпайиб, ўсмирларда 52,9% ҳолатда қайд этилган.

Ювенил ревматоид артрит билан хасталанган болалардаги гематологик ва яллиғланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасида ёшга хос аниқ фарқлар аниқланди. Камқонлик энг кўп 3–7 ёшли болаларда (71,4%) кузатилган бўлиб, 7–14 ёшли болаларда (38,7%) ва 14 ёшдан катта ўсмирларда (44,4%) камроқ учраган. Лейкоцитоз ёш ортган сари камайиб борган: у 3–7 ёшли болаларда 28,6%, ўрта ёшдаги болаларда 20,9% ва ўсмирларда 19,4% ҳолатда қайд этилган. Лимфоцитоз эса кўпроқ 7–14 ёшли болаларда (25,8%) кузатилган бўлиб, кичик ёшли болаларда (14,3%) ва ўсмирларда (13,9%) камроқ учраган. Эритроцитлар чўкиш тезлиги энг юқори 3–7 ёшли болаларда (57,1%) бўлган, ўрта ёшдаги болаларда (29,03%) пасайган, аммо ўсмирларда қисман ошиб, 44,4% ни ташкил этган.

Ювенил ревматоид артрит билан хасталанган болаларда биокимёвий кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижасида умумий оқсил, калций, АЛТ, АСТ ва билирубин миқдорларида ёшга хос фарқлар аниқланди. Умумий оқсил даражасининг пасайиши энг кўп кичик ёшли болаларда (14,2%) кузатилган бўлиб, ўсмирларда (13,9%) ва ўрта ёшдаги болаларда (9,68%) камроқ учраган. Калций миқдорининг энг катта пасайиши 7–14 ёшли болаларда (83,9%) қайд этилган, бу кўрсаткич кичик ёшли болаларда (78,6%) ва ўсмирларда (72,2%) биров пастроқ бўлган. АЛТ даражасининг ошиши энг кўп 7–14 ёшли болалар гуруҳида (38,7%) кузатилган, ўсмирларда (27,8%) ва кичик ёшли болаларда (21,4%) камроқ учраган. АСТ даражасининг ошиши 7–14 ёшли болаларда (3,22%) ва ўсмирларда (2,78%) қайд этилган, лекин кичик ёшли болаларда кузатилмаган. Билирубин даражасининг ошиши фақат кичик ёшли болаларда (7,14%) учраб, ёш ўтиши билан камайиб борган ва ўсмирларда аниқланмаган.

Кўшимча натижалар: С-реактив оқсил даражаси болаларнинг 46,2%ида юқори бўлган. АСЛО даражаси болаларнинг 59,4%ида ошган. Ревматоид фактор даражаси болаларнинг 35,8%ида юқори бўлган ($P<0,001$). Лактоферрин даражаси ревматоид патологияларда пасайган, ЮРА билан болаларда у $345\pm 11,2$ нг/мл ни ташкил этган, назорат гуруҳида эса $423,0\pm 8,3$ нг/мл ($P<0,01$).

Тадқиқот гуруҳидаги барча болаларда қондаги витамин D миқдори аниқланди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, ювенил ревматоид артрит (ЮРА) билан хасталанган барча болаларда витамин D танқислиги мавжуд бўлиб, энг паст даража 29,2% болаларда ($n=31$) кузатилган.

ЮРА билан хасталанган болаларда витамин D миқдорининг ёш ва серологик хусусиятга боғлиқлиги аниқланди. 7–13 ёшли болалар гуруҳида серонегатив болаларда витамин D миқдори $13,7\pm 0,42$ нг/мл ни ташкил этган бўлса, серопозитив болаларда $15,5\pm 0,62$ нг/мл ни ташкил этган. 14–16 ёшли ўсмирларда бу кўрсаткич серонегативларда $14,3\pm 0,58$ нг/мл гача, серопозитивларда эса $15,7\pm 0,67$ нг/мл гача ошган. Ёш гуруҳларини солиштириш натижасида серонегатив болаларда витамин D даражаси 1,04

марта ошгани, серопозитив болаларда эса ўзгаришлар минимал бўлиб, 1,01 марта ошгани аниқланди. Демак, витамин D миқдори ёшдан қатъи назар серопозитив болаларда юқориқ даражада сақланиб қолади.

Ювенил ревматоид артрит билан оғриган болаларда қорин бўшлиғи аъзоларининг ультратовуш текшируви таҳлили жигарда 16,04% ҳолатда, ўт қопида — 5,66% ва шунингдек, буйракларда — 5,66% беморда яллиғланиш ўзгаришлари мавжудлигини кўрсатди. Бундан ташқари, 3,77% беморда буйракларда сув-туз мувозанатининг бузилиши кузатилди.

Кейинчалик, биз электрокардиографик диагностика маълумотларини таҳлил қилдик. Аниқланишича, юрак реполяризациясининг бузилиши 9,43% беморларда, Гисс шохларининг блокадаси — 27,4%, гипертрофия — 1,89%, синус тахикардияси эса 4,72% болаларда кузатилган.

Ювенил ревматоид артрит билан оғриган болаларда бўғим шикастланиши турларини таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, 3–6 ёшли серонегатив болаларда олигоартикуляр тур полиартикуляр турга нисбатан 3 марта кўпроқ учрайди (46,2% қарши 15,4%). Серопозитив болаларда эса аксинча, полиартикуляр тур кўпроқ учрайди (23,1%), бу эса 1,5 марта юқориқ кўрсаткичдир. 7–13 ёшли гуруҳда серонегатив болаларда олигоартикуляр тур полиартикуляр турга нисбатан 5,8 марта кўпроқ учрайди (49,2% қарши 8,47%, $p < 0,05$), серопозитив болаларда эса фарқ минимал (20,3% қарши 22%). 14–16 ёшли ўсмирларда серонегатив беморларда олигоартикуляр тур устунлик қилади (38,2%), бу кўрсаткич полиартикуляр турга нисбатан 4,3 марта юқори ($p < 0,05$). Серопозитив болаларда эса, аксинча, полиартикуляр тур 1,57 марта кўпроқ учрайди (32,4% қарши 20,6%, $p < 0,05$).

Рентгенологик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари қуйидагиларни кўрсатди: 8,49% беморларда бўғимлараро ораликнинг қисқариши, 6,60% беморларда суяк эрозияси белгилари, 4,72% беморларда анкилоз ва 25,5% беморларда остеопороз кузатилди.

Шундай қилиб, ювенил ревматоид артрит (ЮРА) билан оғриган болаларни таҳлил қилиш натижалари клиник, лаборатор ва рентгенологик хусусиятларда ёш ва серологик фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Серонегатив кичик ёшли болаларда олигоартикуляр тури кўпроқ учрайди, серопозитив ўсмирларда эса полиартикуляр тури устунлик қилади. Барча ёш гуруҳлари учун умумий белгилари бўғимлардаги оғрик, иштаҳанинг пасайиши ва ЛОР-касалликларнинг юқори тез-тез учраши ҳисобланади. Қон таҳлили анемия кичик ёшли болаларда кўпроқ учрашини (71,4%) ва катта ёш гуруҳларда камайишини кўрсатди, лейкоцитоз ва эритроцитлар чўкиш тезлигининг ошиши эса энг кўпроқ кичик ёшли болаларда кузатилди. Биокимёвий таҳлил умумий оқсил, кальций ва D витамини даражасининг пасайганини аниқлади, бунда охиригининг дефицити барча ЮРА билан оғриган болаларда кузатилиб, серонегатив беморларда энг паст даражада бўлган.

Рентгенограммада кўп ҳолларда остеопороз (25,5%) ва бўғимлараро ораликнинг қисқариши (8,49%) қайд этилган, бу эса ЮРАда кескин дегенератив ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатади.

Диссертациянинг тўртинчи “**Ювенил ревматоид артритнинг иммунологик жиҳатлари**” бобида патологияси бўлган беморларни иммунологик текширув натижалари келтирилган.

Ювенил ревматоид артритнинг турли шакллариغا эга болаларда IL-8 даражасини таққослаш шуни кўрсатдики, 14 ёш ва ундан катта ёшдаги серопозитив шаклга эга болаларда IL-8 концентрацияси 7-14 ёшдаги болаларга нисбатан 1,85 баравар юқори ($38,3 \pm 4,06$ пг/мл ва $20,9 \pm 3,12$ пг/мл). Худди шундай тенденциялар 14 ва ундан катта ёшда бўлган болаларда ($29,5 \pm 3,23$ пг / мл) 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган тенгдошларига қараганда ($17,2 \pm 2,07$ пг / мл) юқори бўлган IL-8 даражалари серонегатив ЮРА бўлган гуруҳда 1,52 марта ($P \leq 0,05$) юқори ҳолда қайд этилган. Умуман олганда, ёш билан ЮРА нинг серопозитив ва серонегатив шаклларида IL-8 даражасининг ошиши кузатилади, бу яллиғланиш жараёнининг ривожланишини кўрсатиши мумкин.

Ювенил ревматоид артрит (ЮРА) аниқланган болаларда IL-17A даражасини ўрганишда ЮРА нинг серопозитив шакли бўлган 14 ва ундан катта ёшда бўлган болалар гуруҳида ($41,25 \pm 5,14$ пг / мл), IL-17A даражаси 7 ёшдан 14 ёшгача ($30,25 \pm 4,61$ пг/мл) ЮРА нинг серопозитив шакли бўлган бир хил ёшдаги болаларга қараганда юқори бўлиб, улардан 1,37 марта ошганлиги кузатилди. ЮРА нинг серонегатив шакли бўлган 14 ва ундан катта ёшда бўлган болаларнинг иккинчи гуруҳи ($38,3 \pm 4,83$ пг / мл) IL-17A даражасига эга бўлиб, улар 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ЮРА нинг серонегатив шакли бўлган болалардаги даражадан сезиларли даражада фарқ қилади ($23,25 \pm 2,57$ пг/мл), улардан 1,65 баравар кўп ($P \leq 0,05$) (1-расм).



1-расм. ЮРА бўлган болаларда IL-17A даражасини таққослаш турли ёш гуруҳлари, пг/мл $P \leq 0,05$

Ювенил ревматоид артрит (ЮРА) билан оғриган болаларда интерферон гамма даражасини таҳлил қилиш барча гуруҳларда ушбу цитокин етишмовчилигини аниқлади, аммо энг аниқ танқислик иккинчи гуруҳнинг

серопозитив шакли бўлган 14 ва ундан катта ёшда бўлган болаларда кузатилди ($9,3 \pm 1,13$ пг/мл). Болаларнинг биринчи гуруҳида, шаклидан қатъи назар, интерферон-гамма ишлаб чиқариш ўртача $12,4 \pm 1,95$ пг/мл ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан 1,55 марта статистик жиҳатдан сезиларли даражада паст эди ($P < 0,05$). Ушбу маълумотлар ЮРАнинг турли шакллари ва ёшга боғлиқ хусусиятларга эга бўлган болаларнинг иммунитет ҳолатини баҳолашда интерферон-гамма даражасини ҳисобга олиш муҳимлигини кўрсатади.

Илмий тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири кўриб чиқиладиган кўрсаткичлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш эди. Тадқиқотимиз 8 та асосий иммунологик параметрларни таҳлил қилдик: IL-8, IL-17A, IFN γ , CPO, АСЛО, РФ, D витамини, лактоферрин. Қийматлар ўртача ($p = 0,3-0,69$) ва юқори даража ($p = 0,7-1,0$) билан аниқланди.

Ювенил ревматоид артритли болаларда асосий гуруҳнинг 8 та иммунологик кўрсаткичларининг корреляцион таҳлили 28 та муносабатларни аниқлади, улардан 4 таси тўғридан-тўғри ва 4 таси тескари боғлиқликдир.

Диссертациянинг **“Ювенил ревматоид артрити билан оғриган болаларда молекуляр генетик тадқиқотлар”** деб номланган бешинчи бобида ўрганиладиган патологияни молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқотимиз доирасида 66 нафар соғлом болалардан иборат назорат гуруҳига нисбатан ювенил ревматик артрит (ЮРА) ташхиси қўйилган 93 нафар ўзбек миллатига тегишли болаларда IL-17A ген полиморфизмини (G-197A) молекуляр-генетик баҳолаш ўтказилди. Аллеллар ва генотипларнинг тарқалишини таҳлил қилишда гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланди. Аллел А ЮРА билан оғриган беморларнинг 31,2% да ва назорат гуруҳидаги 15,5% да топилган ($OR = 2,538$; $\chi^2 = 10,72$; $p = 0,0005$), бу унинг касаллик хавфи ортиши билан боғлиқлигини кўрсатади. Гетерозигота GA генотиби беморларнинг 38,71% да, назорат гуруҳида 24,24% ($OR = 1,974$; $\chi^2 = 3,671$; $p = 0,02$) ва гомозигота AA генотиби 11,83% ва 3,03% мос равишда аниқланган ($OR = 3,98$; $\chi^2 = 3,98$; $p = 0,02$). Шу билан бирга, GG генотиби ЮРА (49,46%) билан оғриган беморларга нисбатан соғлом болаларда (72,73%) кўпроқ учрайди, бу унинг мумкин бўлган ҳимоя ролини кўрсатади ($OR = 0,367$; $\chi^2 = 8,645$; $p = 0,0001$).

Генетик хавф омилларининг ролини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида худди шу намунада VDR полиморфизми (BsmI с.IVS7 G>A) баҳоланди. Ушбу полиморфизмнинг аллеллари ва генотипларининг частотаси гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатмади. Шундай қилиб, G аллели ЮРА бўлган болаларнинг 74,73% ва назорат гуруҳидаги 80,30% да ($OR = 0,725$; $\chi^2 = 1,355$; $p = 0,12$) ва А аллели - мос равишда 25,27% ва 19,70% да топилган. ($OR = 1,379$; $\chi^2 = 1,355$; $p = 0,12$). GG, GA ва AA генотиплари ҳам статистик жиҳатдан муҳим фарқларни кўрсатмади.

IL-17A (G-197A) ва VDR (BsmI с.IVS7 G>A) полиморфизмлари ўртасидаги ген-ген ўзаро таъсирини таҳлил қилиш қизиқарли бўлди.

VDR учун G/A генотиби ИЛ-17А учун G/A генотиби ташувчиларнинг 75% да, A/A ташувчиларнинг 36,4% да ва GG ташувчиларнинг атиги 13% да топилган ($p < 0,001$). VDR генотиби A/A кам учрайди: ИЛ-17А G/A ташувчиларнинг 2,8%, A/A ташувчиларнинг 18,2% ва G/G ташувчиларнинг 4,3%. Кўпинча, VDR учун G/G генотиби ИЛ-17А (82,6%) учун G/G билан бирлаштирилди, бу бошқа гуруҳлардан статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилади ($p < 0,001$). Ушбу натижалар яллиғланиш жараёнларини тартибга солишда ИЛ-17А ва VDR полиморфизмлари ўртасидаги мумкин бўлган ўзаро таъсирни кўрсатади.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, ИЛ-17А (G-197А) нинг турли генотипларининг ташувчилари ИЛ-17А ситокинини ишлаб чиқариш даражасида сезиларли даражада фарқланади. A/A генотиби бўлган беморларда ИЛ-17А даражаси $52,42 \pm 4,95$ пг/мл ни ташкил этди, бу G/A ($36,52 \pm 7,25$ пг/мл) ва G/G ($21,12 \pm 4,09$ пг/мл) генотипларини ташувчиларга қараганда анча юқори. Олинган маълумотлар статистик аҳамиятга эга ($p < 0,001$), бу G-197А полиморфизмининг ИЛ-17А ифодасига таъсирини кўрсатади ва яллиғланиш реакциясининг кучайиши билан боғлиқ омил сифатида А аллелининг ролини тасдиқлайди.


ИЛ-17А полиморфизми (G-197А) АСЛО даражаси ўртасидаги муносабатлар таҳлили шуни кўрсатдики, G/G генотипининг ташувчилари кўпинча салбий АСЛО даражасини кўрсатдилар. 43,5% A/A генотипининг ташувчилари эса юқори даражага эга (++ ва +++). Бирок, гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар йўқ эди ($p = 0,125$). Ушбу натижалар ИЛ-17А полиморфизмининг АСЛО даражаларига мумкин бўлган таъсирини кўрсатади, аммо каттароқ намуналарда тасдиқлашни талаб қилади.

Турли генотипли беморларда эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ) даражаси бўйича олинган маълумотлар ҳам сезиларли фарқларни кўрсатади. A/A генотипига эга бўлган беморларда ўртача ЭЧТ 26,00 мм / соатни ташкил этди, бу G/A ва G/G генотиплари бўлган беморларга қараганда сезиларли даражада юқори, ҳар иккала гуруҳда ўртача 7,00 мм / соат. Статистик таҳлил гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатди ($p < 0,001$), А аллелининг яллиғланиш фаоллиги ошиши билан боғлиқлигини тасдиқлайди.

Шунга ўхшаш натижалар лейкоцитлар даражаси тўғрисидаги маълумотларга мос келади: A/A генотиби ташувчиларда лейкоцитлар даражаси $12,10 \times 10^9$ /л ни ташкил этди, бу G/A ($7,65 \times 10^9$ /л) ва генотип ташувчилардаги қийматлардан ошиб кетади. G/G ($6,75 \times 10^9$ /л). Бу фарқлар статистик жиҳатдан ҳам аҳамиятли эди ($p < 0,001$). Биргаликда олинган далиллар шуни кўрсатадики, А аллели, айниқса гомозиготли A/A шаклида, ЭЧТ ва лейкоцитлар даражасининг ошиши билан намоён бўладиган кучли яллиғланиш билан боғлиқ.

Яллиғланишнинг яна бир белгиси бўлган С-реактив оксил (СРО) даражасини таҳлил қилиш гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлигини тасдиқлади.

A/A генотипига эга бўлган беморларда юқори даражадаги СРО (+++) кўпинча қайд этилган, бу беморларнинг 54,5 фоизида, СРО (+) ва (++) паст даражалари бўлган гуруҳда кузатилган. G/A ва G/G генотипларининг ташувчилари устунлик қилган. Статистик таҳлил G/A ва A/A ($p = 0,017$), G/A ва G/G ($p = 0,041$) ва A/A ва G/G ($p = 0,017$) гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқларни аниқлади, бу A аллелининг ташувчилари аниқ яллиғланиш реакциясига кўпроқ мойил бўлишини тасдиқлайди. Яллиғланиш жараёнларини ва СРО ишлаб чиқаришни кучайиши ИЛ-17A нинг экспрессияси билан боғлиқ бўлган механизм бўлиши мумкин.



Расм 2. ЮРА билан оғриган болаларда ИЛ-17А (G-197A) ва VDR (BsmI c.IVS7 G>A) генотипларининг клиник лаборатор кўрсаткичлари билан ассоциацияси таҳлили

